

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК
АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

418 Саноат мулки объекти патентининг амал қилишини
тиклаш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғри-
сида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1937-1*

(2011 йил 10 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июндаги 166-сон «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 22-23-сон, 236-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2009 йил 11 мартдаги 33-сон буйруғи (2009 йил 7 апрелда, рўйхат рақами 1937) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 15-сон, 193-модда) билан тасдиқланган Саноат мулки объекти патентининг амал қилишини тиклаш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бош директор

А. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 26 август,
24-сон

Ўзбекистон Республикаси
Интеллектуал мулк агентлиги
бош директорининг 2011 йил
26 августдаги 24-сон буйруғига
ИЛОВА

**Саноат мулки объекти патентининг амал қилишини
тиклаш қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига (бундан буён матнда Патент идораси деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 8-банддаги «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 11-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Патент идорасининг» деган сўзлар «Агентликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин.

4. 12-банддаги «Патент идораси» деган сўзлар «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин.

5. Иловадаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси 100047, Тошкент шаҳри, Тўйтепа кўчаси, 2а уй» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги 100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик хиёбони, 59-уй» деган сўзлар билан алмаштирилсин.